

Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

## ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, МАГИСТРЛАР!

ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтида магистрантларнинг тантанали битирув тадбири бўлиб ўтди.



Унда Фавқулдда вазиятлар вазири ўринбосари полковник Х.Алибаев, вазирлик Академияси бошлиғи генерал-полковник Қ.Бердиев, вазирлик вакиллари, Фуқаро муҳофазаси институти шахсий таркиби ва битирувчиларнинг ота-оналари, яқинлари иштирок этдилар.

Тадбирда 25 нафар талабага “магистр” академик даражасини тасдиқловчи диплом ва сертификатлар тантанали равишда топширилди.

Ўз навбатида, магистрларни чин дилдан қутлаб, шарафли вазифа йўлида омад ва муваффақиятлар тилаб қоламиз.

ФВВ Матбуот хизмати.



## БРИФИНГ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ФВВ Фавқулдда вазиятлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи, подполковник Элёр Аҳмадалиев иштирокида брифинг бўлиб ўтди.

Тадбирда чўмилиш ҳавзаларида чўкиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича амалга оширилган профилактик тадбирлар юзасидан маълумот берилди.

Брифингга қайд этилганидек, 2023 йил ёз масумида республика ҳудудида аҳолининг сувда чўкиши билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш, чўмилиш учун мўлжалланган объектларда дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Фавқулдда вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари, Миллий гвардия ва жамоатчилик вакиллари билан биргаликда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳозирги кунда чўмилиш мумкин бўлган қўриқланадиган 196 та сув ҳавзаси, шунингдек, чўмилиш тақиқланган, қўриқланмайдиган, фуқароларнинг чўмилиш эҳтимоли бор 668 та жой рўйхатга олинган.

Республика бўйича чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар кўп кузатилаётган жойларда чўмилиш мавсумида Фавқулдда вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари, Миллий гвардия ва жамоатчилик вакиллари билан иборат 88 та кузатув ва назорат постлари ташкил этилган.

Тадбир давомида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар билан бир қаторда, сувда чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга оид тадбирлар самарадорлигига эришиш юзасидан муҳим тавсия ҳамда кўрсатмалар берилди.

ФВВ Матбуот хизмати.

УШБУ СОНДА:

ОРОМГОҲЛАРДА ХАВФСИЗЛИК



3-бет

AMALIY MASHG'ULOT



4-бет

ОФАТЛАРГА ҚАРШИ



5-бет

ЛАЗЕР ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?



8-бет



## OGOHLIK

Toshkent viloyati Nurobod qo'rg'onidagi Yoshlar markazida Ohangaron tumani FV bo'limi shaxsiy tarkibi bilan "Diniy ekstremizmning jamiyat taraqqiyotiga tahdidi" mavzusida seminar o'tkazildi.

Unda Ohangaron tumani IIB boshlig'i podpolkovnik U.Jo'rayev, YHXB boshlig'i mayor I.Bekov, tuman prokurori Z.Goipov, shuningdek, tumandagi "Chil-qori" jome masjidi imom-xatibi O.Xusinovlar o'z ma'ruzalari bilan ishtirok etdilar.

Tadbir davomida diniy ekstremizm, turli xil diniy tashkilotlarning nayranglariga uchmaslik, internet tarmog'idagi turli guruhlariga qo'shilmaslik, qonun buzilishi holatlariga yo'l qo'ymaslik, korrupsiya holatlarining oldini olish borasida olib borilayotgan tadbirlar bo'yicha ma'lumotlar berib o'tildi.

**Z.ESHNAZAROV,**  
Ohangaron tumani FV bo'limi  
OYXTEB inspektori, leytenant.



Ohangaron shahar FV b'limi harbiy xizmatchi va xizmatчилари билан Toshkent viloyati FVB shaxsiy xavfsizlik b'limi tomonidan "Korrupsiyaga qarshi kurashishda barchamiz birdek mas'ulmiz" mavzusida davra suxbati utkazildi.

## ДАВРА СУХБАТИ



Tadbirga Ohangaron shahar prokurori urinbosari, IIB boшлиғи urinbosari, IIB IXXB katta inspektori hamda Honobod jome masjidining imom-xatibi taklif etilgan.

Mavzu yuzasidan prokuratura va ichki ishlar b'limi xodimlari suz olib, korrupsiyaga oid jinoyatlar, ularning kunghilsiz oqibatlari xususida ma'lumot berdilar. Uz navbatida, usbu illatlardan saqlanish, ogox va xushur b'lish lozimligini uqtihib utdilar.

**Azizbek QUSHAQOV,** Ohangaron shahar FV b'limi boшлиғи urinbosari, kapitan.

## BILIMLAR OSHIRILDI

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida FVVning 2022-yil 25-oktyabrdagi "O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi harbiy xizmatchi va xizmatchilarining odob-axloq qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'ining mazmun-mohiyatini o'riganishga bag'ishlangan tadbir bo'lib o'tdi.

Unda markaz boshlig'ining Kadrlar, tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'yicha o'rinbosari podpolkovnik B.Bekmuhamedov tomonidan kasbiy madaniyatga oid umumiy odob-axloq qoidalari, har bir harbiy



xizmatchi halol, adolatli va kamtar, rahbarlar, hamkasblar va fuqarolar bilan muloqotga kirishganda xushmuomala, vazmin hamda samimiy munosabatda bo'lishi kerakligi haqida tushuntirish berildi.

Tadbir yakunida tinglovchilar o'zlarini qiziqtirgan barcha savollarga javob oldilar.

**Sh.MAMATQULOV,** FVV Akademiyasi huzuridagi BT va MOM bo'linma katta ofitseri, mayor.

## ХОДИМЛАР МЕХНАТ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Davlat hokimiyati va bo'shkaruvi organlari faoliyatida KPI (asosiy ishlar kursatkichi) tizimiga asoslangan baholash va hisobdorlik tizimining joriy etish tashkilotlarining mahsuldorligi va samaradorligini oshirish uchun mustahkam poydevor yaratishga imkon beradi.

KPI — bu, tashkilotning, xodimning strategik maqsadlariga erishishda samaradorligini belgilovchi koefitsient. Ya'ni, KPI — erishilgan natijalarning miqdoriy jihattan ulchanadigan kursatkich. KPI dan foydalaniish muassasaga nafoqat bozordagi urinini baholash, balki faoliyatining ichki mexanizmlarini ham k'rib chiqish imkonini beradi.

KPI tizimida korxonalar menejmenti va xodimlari faoliyati

sonlar orqali ulchanadi. Indikatorlar b'ycha hisobot tayyorlangach, rejalashtirilgan maqsadga qanchalik darajada erishilgan, rejalalar qay darajada aniq va t'gri k'rilganini baholash mumkin. KPI dan foydalaniish korxonalar, tashkilot, muassasa va xodimlarga nisbatan ham kullaniyadi. Tizim korxonada mehnatga haq t'lashning motivatsion va samarali tizimining k'rsatkichlar orqali k'rish imkonini beradi.

Miqdorli kursatkichlar — bu, ishlarini tavsiflovchi moliyaviy kursatkichlar, shu jumladan, daromad, foyda va debitorlik qarzlari. Bu jara'ning bo'shkaruvlaridan afzalligi shundaki, muassasa rahbarlari, xodimlarning, avvalo, rahbarlar mas'uliyatini oshirish hamda ular faoliyatining sama-

radorligini k'rtirish maqsadida urnatilgan tartibga k'ra, moddiy raqablatlantirish xodimlar faoliyatining samaradorligiga t'gri-dan-t'gri bo'g'lik b'lishi belgilangan.

KPI xodimlar, b'limlar va butun muassasada ishchanlik faoliligini nazorat qiliish sharoitini yaratadi. Strategik vazifalarning aniqligini ta'minlash, asosiy e'tiborni muhim jara'lar va jiddiy kursatkichlariga qaratiish, faoliyatdagi kursatkichlarning yaxshilana'etgani e'ki emonlasha'etgani haqida xabarlar qiliish, diqqat-e'tiborni talab qiluvchi jiddiy omillarini birjilashlantirish (identifikatsiya qiliish)dan iborat.

Korxonalar tomonidan xodimlarning KPI tizimi ta'hlili natijasi k'rib chiqilib, uning qanchasi yuqo-

ri, etarli, etarli emas, urta, past va qoniqsiz darajada ekanligi aniqlanadi. Muassasa rahbari b'lim xodimlarining samaradorligi ikki chorak mobaynida ketma-ket "past" e'ki "qoniqsiz" darajada ekanligi aniqlansa, mehnat shartnomasini bekor qiliish tashabbusi bilan chiqilishi ham mumkin.

Korxonalar, xodim faoliyati samaradorligining tizimli monitoringini tashkil etish maqsadida muassasaning rasmiy veb-saytidagi tegishli shakli t'ldirish i'vli bilan samaradorlikning muhim kursatkichlarini elektron k'riinishda kuzatish mumkin b'лади.

**Munira TOXIROVA,**  
Uchtepa tumani  
295-maktab uqituvchisi

## “UQISHGA KIRITIB KUYAMAN...”

Sudda Uzbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti 2- va 3- bosqich talabalarining ishi k'rib chiqildi.

Gap shundaki, sudlanuvchilar oldindan til biiriktirib, aldash va ishonchni suiste'mol qiliish i'vli bilan uzganing ancha miqdordagi mulkini k'lg kiriritish rejasini tuzishgan. Pul topish maqsadida Parkent tumani ishlar uchun borishgan. Ushar erda F.T. bilan taniishgan. Uzaro suxbat davomida F.T. ukasi uqishga kirilmaganligini aytgan.

— Universitetning ikkinchi bosqich yakka kurash fakultetida uqir edim, — dedi sudla sudlanuvchi X.Q. — Ishlar uchun Parkentga

borganimda F.T. ukasining uqishi b'ycha mendan erdam berishimni su'radi. Men unga uqishga kiriritib k'ydigan odam borligini aytib, gaplashib javobini aytaman, dedim. Men bilan ishlar uchun boran J.S. bizning gapimizni e'шитиб, nimaligini su'radi. Shunda men unga F.T. ning ukasi uqishga kirilmaganligini aytдим. J.S. uqish masalasini hal qiladigan taniishlari borligini, hamma narsani i'zi hal qiliishini aytди. Uning gapidan keyin F.T. ga telefon qilib, taniish toplanligimni aytдим. Qancha b'лади, deb su'radi. 5.000 AQSh dollariga uqishga kiriritib k'ydi, dedim. Kam b'lmaydimi, deb su'radi F.T. B'ladigani shu dedim. F.T. rozi b'ldi. Oradan

bir-ikki kun utgach, F.T. telefon qilib, pulni tayyorlab k'yganiini aytди. Xatto, Parkentga borayinmi, deb su'radi. Unga hozirda Toshkentda ekanligimni aytib, "Ro'hat" aylanma choraxasi yakini k'riishga keliishdik. Men J.S. bilan aytirilgan manzilga bordik. Maqsad 5.000 dollarini olib, ikkalamiz teng taqsimlamochi edik. U bilan "Ro'hat"da k'riishdik. F.T. mashinaga u'rtirib gaplashimizni taklif qildi. Su'batda J.S. bundan avval ham ikki-uch nafar bolani uqishga kiriritib k'yganiini aytди.

Qisqasi, F.T. pulni men ga berdi. Men esa pulni J.S. ga uzatib, sanab ol, dedim. Urto'gim t'gri ekan, deb aytди. Oradan uch-turt daqika utgach biz u'rtirgan mashinaning ikki orqa e'shigini ochib, notaniish shaxslar uzlarini huquqni muhofaza qiluv-

## ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

chi organ xodimlari, deb taniishirib, guvo'nomalarini k'rsatishdi. Shunday qilib, biz k'lg tu'shdik. F.T. ni aldash pulini olmoqchi edik. Qilgan ishmdan pushaymonman. Engillik berishingizni su'rayman.

Sudning hukmi bilan talabalarining har biriga uzil-kesil utashi uchun ikki i'vli bir oy muddatga ozodlikni cheklash jazosi tayinlandi. Oqibatini i'vlaymay engil ha'et kechirish orzusidagi ikki talabanning qilimishi kishini chuqur i'vga toldiradi. Ular bugun ming pushaymon b'lsa-da endi vaqtni orqaga k'rtirib b'lmaydi.

**Farrux ERGASHEV,**  
jinojat ishlarini b'ycha  
Yashobod tuman sudining  
sud'yasi.



## VATAN KELAJAGI – SENING QO‘LINGDA!

Muhandislik muhofaza va qurilish-tiklash ishlari bosh boshqarmasi muddatli harbiy xizmatchilarining ma'naviy saviyasi va bilimlarini muntazam ravishda oshirib borish maqsadida, Toshkent shahar Yashnobod tumanidagi 244-sonli umumta'lim maktabi bilan hamkorlikda, askarlar bilan ona tili, matematika, ingliz tili va tarix fanlari bo'yicha o'quv mashg'ulotlari tashkil etildi.

Mazkur tadbir davomida malakali mutaxassislar tomonidan soha yo'nalishi bo'yicha dars mashg'ulotlarida muddatli har-



biy xizmatchilarga oliy ta'lim muassasalariga o'qishga kirishlariga tayyorgarlik ko'rishlari uchun test sinovlari bo'yicha tushunchalar va qo'llanmalar bilan mashg'ulotlar yuqori saviyada olib borildi. Mashg'ulotlar davomida harbiy xizmatchilar qo'shimcha ma'lumotlarga ega bo'ldilar. Umumta'lim maktabi bilan yil davomida hamkorlikda mashg'ulotlar tashkil etish bo'yicha chora-tadbirlar belgilab olindi.

**SH.AHMADALIYEV,**  
tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar  
bo'limi boshlig'i, kapitan.

## SEMINAR O'TKAZILDI

Andijon viloyati Favqu-lodda vaziyatlar boshqarmasi xodimlari tomonidan Andijon shahrida joylashgan Abu Ali ibn Sino nomidagi jamoat salomatligi texnikumida talabalar ishtirokida zilzila vaqtida to'g'ri harakat qilish mavzusida amaliy seminar tashkil qilindi.

Tadbir davomida favqu-lodda vaziyatlarda xavfsiz va to'g'ri harakat qilish, jabrlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish xususida tushuntirish berildi. Shuningdek, qutqaruv otryadi tomonidan

ko'rgazmali namoyish o'tkazildi. Qutqaruv asbob-anjomlari haqida ma'lumotlar berildi.

**S.ZULUNOV,** Andijon  
viloyati FVB OAV va  
JTBHQG boshlig'i, mayor.



## MAKTABDA TADBIR

Qarshi tumanidagi Barkamol avlod bolalar maktabida "Zilzila va yong'in sodir bo'lganda o'quvchilarning harakati" mavzusida o'quv seminari o'tkazildi.



Tadbirda viloyat FVB Hayot faoliyati xavfsizligi o'quv markazi o'qituvchilari zilzila sodir bo'lganda harakatlanish qoidalari to'g'risida tushunchalar berishdi.

So'ngra tuman tibbiyot birlashmasi xodimlarining jarohatlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish harakatlari xususida ma'ruzalari tinglandi.

Tadbir yakunida ishtirokchilar uchun yong'in o'chirish jangovar texnikasi va asbob-anjomlar ko'rgazmasi tashkil etildi.

**Ulug'bek JUMANOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB  
matbuot xizmati xodimi.  
**Zarina ABDURAHMONOVA,**  
Chiroqchi tumani FV bo'limi xodimi.

## TAHLIL VA TAVSIYA

Andijon viloyatida oromgoxlarda hamda sog'lomlashtirish maydonchalarida sodir bo'ladigan tirli favqulodda vaziyatlarning oldini olish bo'yicha oquv seminar o'tkazildi.

Viloyat hokimligi, shahar, tuman hokimi orinbosarlari, Kasaba uyushmasi, FVB, IIB,

## ОРОМГОҲЛАРДА ХАВФСИЗЛИК

Самарқанд туманида жойлашган "Сафеди" оромгоҳида тегишли ташкилотларнинг мутасаддилари, вилоятда фаолият юритадиган 16 та ёзги оромгоҳ ишчи-ходимлари иштирокида 2023 йилги мавсумни хавфсиз ҳамда уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида ҳудудий семинар ўтказилди.



Семинарда вилоят ФВБ бошлиғи ўринбосари У.Аҳроров томонидан мавсум давомида оромгоҳларда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулodда вазиятлар ва ёнғинларнинг олдини олиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

**Маъруф РАҲМОНҚУЛОВ,**  
Самарқанд тумани ФВ бўлими бошлиғи  
ўринбосари, подполковник.

MG, SEOM hamda Yoshlar agentligi vakillari ishtirok etgan tadbir davomida viloyat FVB qutqaruv otryadi tomonidan ko'rgazmali namoyish tashkil qilinib, quruqlikda va suv havzalarida amaliy harakatlar ko'rsatib berildi.

**S. ZULUNOV,**  
Andijon viloyati FVB OAV  
va JTBHQG boshlig'i,  
mayor.

Самарқанд вилояти ФВВда бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига Республика олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсияномалар топширилди.

## ТАВСИЯНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ



Бошқарма раҳбарияти, ота-оналар, йигит-қизлар ва ҳарбий хизматчилар иштирок этган тадбирда бошқарма бошлиғи И.Исмоилов бўлажак талабаларга Ватанимизга содиқ инсонлар бўлиб камол топишларида улкан ишонч билдирди. Шунингдек, узоқ йиллар

тизимда ишлаган Умид Ҳалимовни нафақага кузатиш маросими ҳам ташкил этилди.

Тадбир якунида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари "Буюк ипак йўли" Халқаро туризм марказида жойлашган ФВБ биносидаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

**Абдували ОСТОНОВ,**  
Самарқанд вилояти ФВБ бўлим бошлиғи,  
капитан.

## АМАЛИЙ О'QUV

Ўзбекистон Республикаси Kasaba uyushmalari Federatsiyasi Jizzax viloyat Kengashi hamda FVDT xizmatlari va tegishli tashkilotlar bilan hamkorlikda "Jizzax viloyati hududidagi sog'lomlashtirish oromgoxlarida, sanatoriyalar va cho'milish havzalarida, dam olish uylarida sanitariya-epidemiologik va ekologik holatlar, yong'in xavfsizligini ta'minlash hamda ovqatdan zaharlanish kabi favqulodda vaziyatlarning oldini olish" mavzusida ko'rgazmali amaliy seminar o'tkazildi.

Tadbir davomida fuqaro muhofazasi va yong'in xavfsizligi bo'yicha bilim va ko'nikmalar oshirildi. Shuningdek, "Ogohlik – davr talabi", "O'z uyingni o'zing asra", "Yong'indan saqlaning!", "Yosh bolalarni uyda qarovsiz qoldirmaslik", "Yong'in xavfsizligi qodalariga rioya eting", "Yuqumli kasalliklardan saqlaning", "Yong'in sodir bo'lganda birlamchi o't o'chirish vositalaridan to'g'ri foydalanish", "Zilziladan oldin", "Zilzila vaqtida", "Zilziladan so'ng" harakatlanish qoidalari, Zilzilabardoshli uylarni qurish" kabi mavzularda oid eslatma va bukletlar tarqatildi.

Seminar yakunida ishtirokchilarga yong'in-qutqaruv otryadining maxsus texnika va asbob-anjomlari namoyish etildi.

**H.KARIMOV, B.QOBILOV,**  
Jizzax viloyati FVB HFXO'M o'qituvchilari.

## ҲАВЗАЛАРДА



Бўстонлиқ туманидаги 20 дан ортиқ кўнгилочар ва чўмилиш ҳавзаларида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 50 нафардан ортиқ Ихтисослашган кўп тармоқли бошқармаси ходимлари туну кун навбатчилик олиб боришмоқда. Олиб борилаётган профилактик тадбирларга ҳамкорликда ишловчи хизмат-

лар ҳам кўмаклашмоқда. Ҳар бир МФИда фуқаролар билан чўмилиш қоидалари бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Жаҳонгир АБДУҚАЮМОВ,**  
Ихтисослашган кўп тармоқли бошқарма  
ОЁХТТЭБ бошлиғи  
ўринбосари, подполковник.



## ЎҚУВ

ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти томонидан Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти, Ўзбекистон миллий метрология институти ДМ, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти давлат муассасаси, Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази давлат корхонаси ва Ўзбекистон аккредитация маркази ДК масъул ходимлари иштирокида ўқув машғулоти ташкил этилди.



Машғулотда соҳа ходимларининг зилзилада тўғри ҳаракат қилиш бўйича назарий билимлари ва амалий кўникмаларини янада оши-

ришга эътибор қаратилди.

**Одил ЧИНТАШЕВ,**  
ФВВ Академияси ҳузуридаги  
ФМИ ўқитувчиси,  
захирадаги подполковник.

## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Навоий вилояти Учқудуқ шаҳрида ёнғин-қутқарув амалий спорти бўйича ШКБ ОЁХТТЭБ биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди.



Мазкур мусобақада бўлим тасарруфидаги 6-, 7-, 8-, 9-ЁҚҚларнинг терма жамоалари ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш, 100 метрга тўсиқлар оша югуриш ва ёнғин ўчириш эстафетаси, ёнғин-қутқарув автомобили орқали жанговар ёйилиш турлари бўйича ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Умумий натижаларга кў-

ра, 1-ўрин 8-ёнғин-қутқарув қисми, 2-ўрин 6-ёнғин-қутқарув қисми, 3-ўрин 9-ёнғин-қутқарув қисми терма жамоаларига насиб этди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Аваз ОРТИҚОВ,**  
Шимолий кон бошқармаси  
ОЁХТТЭБ бошлиғи,  
подполковник.

## АНОЛИНИ ЗИЛЗИЛАГА ТАЙЙORLASH

Qashqadaryo viloyatidagi "Pomuq", "Alan" va "Qultak" gaz konlarida maxsus-taktik o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

HFХO'M o'qituvchilari tomonidan, Farg'ona shahridagi 40-sonli davlat maktabgacha ta'lim tashkilotida favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakat qilish va ularning oqibatlarini kamaytirishga bag'ishlangan seminar o'tkazildi.

Tadbirda xodimlarni favqulodda vaziyatlarga tayyorlash hamda sodir bo'lganda to'g'ri harakat qilishga ruhiy tayyorgarlik, ularda ruhan chidamlilikni shakllantirish yoki qo'yilgan vazifani bajarish, xodimlar va tarbiyalanuvchilarning sodir bo'lish ehtimoli bo'lgan barcha favqulodda vaziyatlarda muhofaza-lanish malakasiga ega bo'lishiga

erishish, jabrlanuvchilarga yordam ko'rsatish kabi vazifalar o'rgatildi.

Shu bilan bir qatorda, favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakat qilish, insonlar halok bo'lishiga yo'l qo'ymaslik, baxtsiz hodisalarning oldini olish uchun amal qilinishi lozim bo'lgan xavfsizlik qoidalari to'g'risida tushunchalar berilib, profilaktik chora-tadbirlarni kuchaytirish barchadan birdek mas'uliyat talab etilishi yana bir bor ta'kidlandi.

**S.ABDURAHMONOVA,**  
Farg'ona viloyati FVB  
HFХO'M o'qituvchisi.

Farg'ona viloyati FVBning tegishli buyrug'iga asosan, O'ta muhim va toifalangan obyektlarda xavfsizlikni ta'minlashni tashkil etishni nazorat qilish bo'yicha Respublika idoralararo komissiyaning ish-rejasida belgilangan tadbirlar ijrosi yuzasidan ko'rik-tanlov o'tkazildi.

Mazkur tadbir FNQIZ MChJ Binolarda yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'limi va 25-yong'in-qutqaruv qism harbiy xizmatchilarining bilim saviyasini oshirish, kasbiy xizmat, jangovar va jismoniy tayyorgarlik darajasini aniqlash, yong'in-qutqaruv qism navbatchi smenalar harbiy xizmatchi-

## AMALIY MASHG'ULOT



larining kasb mahoratini yanada oshirishga, harbiy xizmatchilarining o'zaro tajriba almashishlarini ta'minlash maqsadida tashkil etildi.

**Javohir TO'XTASINOV,**  
Farg'ona viloyati  
FVB TX va JTTEB  
boshlig'i,  
mayor

## МАХСУС-ТАКТИК САБОҚ

Самарқанд вилояти ФВВ томонидан Самарқанд шаҳрида жойлашган "Хилтон Гарден Инн" меҳмонхонасида махсус-тактик ўқув машғулоти ўтказилди.

Унда ФВВ қутқарувчилари, меҳмонхона ишчи-ходимлари ва ҳамкорликдаги хизматлар томонидан шартли равишда содир бўлган зилзила ва унинг оқибатида юзага келган ёнғинда тўғри ва аниқ ҳаракат қилиш, вазият оқибатларини бартараф этиш, инсонларни хавфсиз



худудга эвакуация қилиш ҳамда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳаракатлари ба-жарилди. Ўқув машқи якунида

машғулотда йўл қўйилган хато ва камчиликлар тушун-

тириб ўтилди.

**Илҳом БОҚИЕВ,**  
Самарқанд вилояти ФВВ  
ОАВ ва ЖТБХҚГ бошлиғи,  
катта лейтенант.

## ЖИЗЗАХДА ФМ ТАДБИРЛАРИ

Жумладан, Жиззах вилояти бўйича ўтказилган тадбирларда Ҳаёт фаолияти

хавфсизлиги ўқув маркази томонидан мактаб ва мактабгача таълим тизимида



Zilzila vaqtida harakat qilish.



## CHO'MILISH

Yoshlar o'rtasida yuzaga kelayotgan suvdagi halokatlarning aksariyati ularning nazoratsiz qoldirilishi va o'zboshimchaliklari oqibatida sodir bo'lmoqda. Statistik ma'lumotlarga ko'ra, suvda cho'kib halok bo'lgan yoshlarning 95 foizi ota-onalar tomonidan nazoratsiz qoldirilganligi hamda o'zboshimchalik bilan belgilanmagan va taqiqlangan joylarda cho'milishi oqibatida sodir bo'lgan. Asosan, katta yoshdagi fuqarolarning suvda cho'kishlariga ularning spirtli ichimliklar iste'mol qilib, mast holda cho'milish uchun suvga tushishlari sabab bo'lmoqda.

**Z.MUSTAFOYEV,**  
Prezident Administratsiyasi YXTTEB  
YN va PB inspektori, kapitan.

"Фуқаро муҳофазаси куни" тадбирлари олиб борилди. Унда тарбияланувчиларни ФВВларга тайёрлаш бўйича эвакуация машғулотлари, викторина ўйинлари, савол-жавоб, саҳна кўринишлари, таниқли шоир ва журналист Азамат Суюннинг ёш китобхонларга бағишланган "Огоҳ бўлгин, болажон!" шеърий тўпламларидан фойдаланган ҳолда амалий тадбирлар ташкил қилинди.

**Ф.РАХМАНКУЛОВ,**  
Жиззах вилояти ФВВ  
ҲФХУМ бошлиғи,  
подполковник.  
**Б.ҚОБИЛОВ,** марказ  
ўқитувчиси.



## USTOZLIK – OTA KASBI

“O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan yoshlar murabbiysi” unvoni sohibi Omon Adilovning farzandi Sanjar Adilov talabalik davridan Samarqand viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi qutqaruv otryadi RKB(b)M guruhi qutqaruvchisi lavozimida xizmat faoliyatini boshlagan.



Ishlagan davrida otasi davlatimiz tomonidan mukofotlangandan keyin unda ota kasb – o‘qituvchilikka qiziqish uyg‘ondi. Xuddi shu qutqaruvchilik faoliyati bilan birga Temiryo‘l kollejida soatbay o‘qituvchilik faoliya-

tini ham olib bordi. Mazkur davr mobaynida Samarqand davlat universitetida magistrlik darajasini oldi. Ilmiy faoliyatini mustaqil izlanuvchilik darajasiga qo‘yish davrida FVBning Hayot faoliyati xavfsizligi o‘quv markazida tanlov natijasiga ko‘ra, o‘qituvchilik faoliyatini boshladi.

Faoliyati davomida bir nechta xalqaro ilmiy konferensiyalarda ilmiy maqolalari bilan faol ishtirok etdi.

Sanjar Adilovning kelgusidagi faoliyatiga omad yor bo‘lishini tilaymiz. Tavallud ayyomi bilan samimiy qutlaymiz.

**Samarqand viloyati FVB HFXO‘M o‘qituvchilari.**



## МАДАНИЙ ХОРДИК

Наманган вилояти ФВБ Наманган шаҳридаги Алишер Навоий номли кинотеатр ҳамкорлигида бошқарма ходимлари фарзандларининг ёзги таътини мазмунли ўтказилиши таъминлаш учун “Фаройиб дўстлик” номли театр намоиши ўтказилди.

Маданий тадбир бошқарма ходимларининг фарзандларида илиқ таассуротлар қолдирди.

**Наманган вилояти ФВБ Матбуот хизмати.**

## ТўДАКУЛДА ТАРҒИБОТ

“Чоршанба – фавқулдада вазиятлар профилактикаси куни” доирасида Тўдакул дам олиш базаси ҳудудида янги қурилаётган 2 қаватли 100 ўринга мўлжалланган халқаро шахмат мактабининг қурилишида меҳнат қилаётган қурувчилар ҳамда масканга хизмат кўрсатувчи ишчилар билан фавқулдада вазиятлар ва ёнғинларнинг олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.



Тадбирда ёнғинлар содир бўлганда нималарга эътибор бериш ва қай тартибда ҳаракат қилиш тушунтирилди. Шунингдек, чўмилиш қоидаларига риоя этиш ва тақиқланган жойларда чўмилиш кўнгилсиз ҳолатларга олиб келиши хусусида мисоллар келтирилди.

Қолаверса, соҳа ходимлари томонидан Шаҳарсозлик норма қоидаларида кўр-

сатилган талаблар асосида ишларнинг қай тартибда олиб борилаётганлиги, автоматик ёнғиндан хабар бериш қурилмалари, ички ёнғин ўчириш жўмраклари ҳамда ёнғин ўчириш сув олгичлари, бирламчи ёнғин ўчиргичлар билан таъминлаш ҳолатлари юзасидан ўрганишлар олиб борилди. Аниқланган камчиликлар бўйича масъулларга керакли

топшириқ ва тавсиялар бериб ўтилди.

Учрашув якунида ўзида ёнғин ва чўмилиш қоидаларини акс эттирувчи флайер ва эслатмалар тарқатилди.

**Маъруфжон ҲАЙИТОВ,**  
**НКМК ЁХТТЭМ гуруҳ**  
**бошлиғи, катта сержант.**  
**Элдор ҚАЛАНДАРОВ,**  
**катта инспектор,**  
**катта сержант.**



## XAVFSIZLIK YO‘LIDA

Dehqonobod tuman hokimligi, IIB, FVB va boshqa mutasaddi xizmatlar tomonidan muntazam ravishda suvda cho‘kish va halok bo‘lish bilan bog‘liq baxtsiz hodisalarning oldini olish borasida suv havzalari qirg‘oqlariga taqiqlovchi belgilar o‘rnatilib, aholi o‘rtasida profilaktik tadbirlar, suhbatlar o‘tkazilmoqda.

Yoz mavsumida, “Katta va Kichik O‘ra” daryosi, Dehqonobod suv ombori hamda Konsoy kanalida ogohlantiruvchi belgilar o‘rnatilgan joylarda fuqarolarning cho‘milish holatlarining oldini olish maqsadida reydlar o‘tkazilmoqda.

**O‘tkir YO‘LDASHEV,**  
**Dehqonobod tuman FV bo‘limi**  
**bo‘linma**  
**boshlig‘i, mayor.**

## YOZGI MASKANLARDA

Shahrisabz tumani “Ziyo chashmalari” oromgohida “Oromgohlarda dam olayotgan va sog‘lomlashtirilayotgan bolalar hamda ularga xizmat ko‘rsatayotgan xodimlarning yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan favqulodda vaziyatlar bo‘yicha hushyorligini oshirish” mavzusida seminar bo‘lib o‘tdi.



Viloyat Favqulodda vaziyatlar va Sog‘liqni saqlash boshqarmalari, Kasaba uyushmalari tashkilotlari birlashmasi mutaxassislarini hamda faoliyat ko‘rsatishi rejalashtirilgan barcha oromgoh direktorlari qatnashgan tadbir

davomida mutaxassislar tomonidan “Fuqaro muhofazasi”, “Yosh yong‘in-qutqaruvchi” musobaqalarini o‘tkazish, favqulodda vaziyatlarda to‘g‘ri harakatlanish va birinchi tibbiy yordam ko‘rsatish xususida ma‘lumotlar berildi.

Qolaversa, Qarshi tumanidagi “Barkamol avlod” bolalar maktabida o‘tkazilgan “Zilzila va yong‘in sodir bo‘lganda o‘quvchilarning harakati” mavzusida o‘tkazilgan o‘quv-seminarda ham viloyat Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi Hayot faoliyati xavfsizligi o‘quv markazi o‘qituvchilari tomonidan zilzila sodir bo‘lganda harakatlanish qoidalari to‘g‘risida tushuntirildi. Tuman Tibbiyot birlashmasi xodimlarining jarohatlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko‘rsatish harakatlari xususidagi ma‘ruzalari tinglandi.

**Bobur HAMIDOV,**  
**Qashqadaryo viloyati**  
**FVB bo‘lim boshlig‘i, katta**  
**leytenant.**  
**Shaxboz BOBOMURODOV,**  
**matbuot xizmati xodimi,**  
**oddiy askar.**

## ОФАТЛАРГА ҚАРШИ



БМТнинг ЮНИСЕФ болалар ташкилоти, Фавқулдада вазиятлар вазири Академияси Фуқаро муҳофазаси институти профессор-ўқитувчилари ҳамда бошқарма Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ўқитиш маркази ўқитувчилари иштирокида Косонсой тумани 45-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасида “Табий офатлар хавфини камайтириш ва уларда ҳаракат қилишни ўргатиш” мавзусида ўқув-амалий семинари ташкил этилди. Шунингдек, тадбир доирасида “Ёш қутқарувчи” мусобақаси ўтказилди.

**Абдурашид ИСАҚОВ,**  
**Наманган вилояти ФВБ ҲФХУМ ўқитувчиси.**



## IKKI BOSQICHDA

Nishon tumani "Janub Mash'ali" MFYdagi Yulduz qo'rg'onida "Cho'milish taqiqlangan suv havzalarida xavfsizlikni ta'minlash" mavzusida viloyat FVDT xizmatlari bilan ikki bosqichdan iborat ko'rgazmali o'quv-amaliy seminar o'tkazildi.



Tadbirni viloyat FVB boshlig'i o'rinbosari podpolkovnik M.Ostonov kirish so'zi bilan ochdi. So'ng boshqarma HFXO'M boshlig'i katta leytenant B.Hamidovning "Cho'milish suv havzalarida bo'lishi mumkin bo'lgan ko'ngilsiz holatlar va ularning oldini olish", Sog'liqni saqlash boshqarmasi shifokori S.Hayitovning "Suvda cho'kkanda jabrlangan fuqarolarga birinchi tez tibbiy yordam ko'rsatish bilan bog'liq kechiktirib bo'lmaydigan ishlar", SEO va JSX boshqarmasi vakili J.Safarovning "Cho'milish suv havzalarining sanitariya-gigiyenik holati" mavzusidagi ma'ruzalari tinglandi.

Shuningdek, viloyat FVB MVBMOning suvda-qutqaruv guruhi asbob-anjomlari ko'rgazmasi tashkil etilib, ularning qo'llanilishi bo'yicha tushunchalar berildi.

**K.DAVKAROV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB HFXO'M  
o'qituvchisi.

## HAMKORLIK

Andijon viloyatidagi oromgohlarda hamda sog'lomlashtirish maydonchalarida favqulodda vaziyatlarning oldini olish bo'yicha o'quv seminar o'tkazildi.

Unda viloyat hokimligi, shahar va tuman hokimi orinbosarlari, Kasaba uyushmasi, FVB, IIB, MG, SEOM hamda Yoshlar agentligi vakillari ishtirok etdilar.

Tadbir davomida turli xil favqulodda vaziyatlarning oldini olish hamda sodir bo'lganda harakatlanish bo'yicha viloyat FVB xodimlari tomonidan tushunchalar berilib, eslatma va yo'riqnomalar tarqatildi.

Shuningdek, boshqarma qutqaruv otryadi tomonidan ko'rgazmali namoyish tashkil qilinib, quruqlikda va suv havzalarida amaliy harakatlar namoyish etildi.

**S. ZULUNOV,**  
Andijon viloyati FVB OAV va JTBHQG  
boshlig'i, mayor.

## ЁДДА ТУТИНГ!

Жорий йилнинг май ойидан бошлаб, Наманган тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Норин ҳамда Сирдарё дарёларида бугунга қадар 4 та ўсмир бола тақиқланган ҳудудда чўмилишга сабабли чўккан.

Шу ўринда яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз, "Чўмилиш тақиқланади!" белгиси бор жойда чўмилиш бахтсиз ҳодисаларга олиб келишини ҳеч қачон унутманг.

**Э.КАМОЛОВ,**  
Наманган тумани ФВ бўлими  
бўлинма инспектори,  
катта лейтенант.

Ma'lumki, 25-may kundan 25-sentyabr kuniga qadar "Suvda baxtsiz hodisalarning oldini olish oyligi" o'tkazilmoqda. Mavsum davomida Yangiariq tumani favqulodda vaziyatlar, ichki ishlar va Milliy gvariya bo'limlari xodimlari tomonidan profilaktik tadbirlar, seminar va reydtadbirlari tashkil etilmoqda.

## BAHTSIZ HODISALARGA QARSHI

Xususan, tuman FV bo'limi tomonidan 6x3, 2x1, 50x50 o'lchamda "Cho'milish qat'iyani taqiqlanadi!", "Купание строго запрещается!" mavzularidagi bannerlar tayyorlanib, daryo, kanal, soylarda odamlar cho'milishi mumkin bo'lgan joylarga o'rnatildi.

**Abdusharip MAMATSAPAYEV,**  
Yangiariq tuman FV bo'limi  
bo'linma boshlig'i,  
katta leytenant.



## ФАОЛ КУРАШМОҚ ДАРКОР



Жазирама кунларда иссиқда қуриб, қовжираб ётган шох-шаббалар ёки ахлатларга учирилмасдан улоқтириб кетилган сигарет қолдиғи ҳам ёнғинга сабаб бўлаёт-

гани кузатилмоқда. Айнан, мана шунга эътибор бермайдиган юртдошларимиз айрим ҳолларда ёнғин туфайли нохуш ҳолатларга, катта талафотларга дуч келаётирлар.

Шунингдек, турли плёнка қолдиқлари, баклажжалар, эҳтиёжга яроқсиз буюмларнинг ёниши ва туташидан ҳавога жуда кўплаб канцероген газлар тарқалади. Шу газ билан заҳарланган ҳаводан нафас олиш эса, олимларнинг ҳисоблашларича, йигирмадан ортиқ турдаги касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлар экан. Улар соғлигимизга, фарзандларимиз келажагига салбий таъсир этмаслиги учун ҳар биримиз ёнғинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур.

**У.ШЕРМУРАТОВ,**  
Тошкент вилояти ФВБ  
ходими, подполковник.



## ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНГ!

Нотаниш жойларда чўмилиш, катер ва қайиқларга яқин сузиб бориш, ёш болаларни сувда қаровсиз қолдириш, чегараланган белгилардан ташқарига чиқиш, кўприк, дамба ва кемалардан сувга сакраш, нотаниш жойларга шўнғиш тақиқланади.

Чўкаётган инсонни сув ҳавзасидан қутқариш вақтида шахсий эҳтиёткорлик чораларини кўриш лозим. Вазият имкон берса, чўкаётган шахснинг сочидан ушлаб қирғоққа тортиш ва сувдан чиқариш керак. Сочи калта бўлган вазиятда, унинг орқа томонига ўтиб, бошини сув сатҳидан баландроқда сақлаб, бир қўл билан қўлтиқлари орқали кўкрак қафасидан кучоқлаб олиш, бошқа қўл билан эса қирғоқ томон сузиш лозим.

Жабрланган инсон сувдан чиқариб олингандан сўнг дарҳол унга зарур ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Агар барчамиз сузиш қоидаларига амал қилсак, огоҳ ва хушёр бўлсак, чўкиш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олган бўламиз.

**М.ЖўРАЕВ,**  
"Қамчиқ" МҚЁҚБ катта техниги,  
оддий аскар.

## КЎТАРИНКИ РУҲДА

Тошкент вилояти Қизил Ярим Ой жамияти ҳамда Нурафшон шаҳар фавқулodда вазиятлар бўлими томонидан "Зилзилалар ва табиий офатлар хавфи юқори бўлган Марказий Осиё мамлакатларида фавқулodда вазиятларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларга жавоб бериш бўйича маҳаллий ва миллий салоҳиятини кучайтириш" лойиҳаси доирасида шаҳарнинг "Муқимий" ҳамда "Ойбек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида семинарлар ташкил этилди.

Ушбу тадбирлардан асосий мақсад фуқароларни зилзила содир бўлган вақтда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш ҳамда вазифаларини тушунтиришдан иборат бўлди.

Тадбир сўнггида иштирокчиларга Қизил Ярим Ой жамиятининг логотиплари акс этган эсдалик совғалари топширилди.

**З.ТУРАПОВ,**  
Нурафшон шаҳар ФВ  
бўлими бошлиқ ўринбосари,  
капитан.

## ОГОҲЛИК МУҲИМ

Наманган тумани Катта Тошбулоқ ҳудудидаги "Тошбулоқ Текс МЧЖ"га қарашли МТП ва фермер хўжаликлари комбайнларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, фермер хўжалиги раҳбарларига ғалла майдонларида ўримга тушишдан олдин амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар хусусида тушунча ва тавсиялар берилди.

**Абдурахмон МУРОДОВ,**  
Наманган тумани ФВ  
бўлими бошлиғи  
ўринбосари, майор.

"Ғалла – 2023" мавсуми давомида хўжалик раҳбарлари ҳамда ғаллакорлардан бир қатор тадбирларни бажариш талаб этилади.

## ҒАЛЛАНИ ЁНҒИНДАН АСРАЙЛИК!

Жумладан, ўрим пайтида ғалла майдони яқинида ҳайдов трактори, ёнғин ўчиришга мўлжалланган сув олиб юриш техникаси, ғалла майдонлари 0,50 га. майдонларга бўлиниши ва кунлик ўрим майдони белгиланиб, майдонлар оралиғида ёнғинга қарши ҳимоя анжомлари ташкил этилиши лозим.

Ғалла майдонлари орасидан ўтувчи автотрактор йўлларини беркитиш чораларини кўриш, ғаллазорлар оралиғи 8 метр кенликда тозаланиб, 4 метр кенликда ҳайдалиши, механизаторларнинг дам олиш, шийпонлар, овқат тайёрлаш ўчоқхоналари ғаллазорлардан 100 метр узоқликда жойлаштирилиши ҳамда турли хилдаги босимли синовдан ўтмаган газ баллонларидан фойдаланмаслик зарур.

Ғаллазорлар ичидан ўтказилган электр ва газ йўллари мутахассислар томонидан техник текширувдан ўтказилиши, бунда биринчи навбатда, ўриб олиш чораларини кўриш, ўрим-йиғимга жалб этилган автотракторларнинг двигателлари учкун ушлагичлар ҳамда бирламчи ёнғин ўчириш анжомлари билан таъминланган бўлиши лозим.

Юқоридаги талабларга амал қилар эканмиз, ғалла мавсумида ёнғин билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўламиз.

**Ҳ.ТУРСИНМАМАТОВ,**  
"Янги Ангрен ИЭС" АЖ  
ОЁХТТЭБ бошлиғи,  
подполковник.



**Ж**аҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотига кўра, чекиш таъсири остида 25 дан ортиқ касалликларнинг организмда ривожланиши кучаяди. Тиббий тадқиқотлар буйича Британия Кенгаши олимларининг кўп йиллик изланишлари хулосаларида ўпка саратони ва миокард инфарктининг чекиш билан боғлиқлиги ҳақида жиддий илмий далиллар келтирилган.

## ТАМАКИ ЗАРАРИ

Юрак ишемик касаллиги ва инсултдан ўлим ҳолатларининг 70 фоизи чекувчи ва спиртли ичимликлар ичувчи одамларга тўғри келади. Статистик маълумотлар ҳар бир чекувчи одам ўз ҳаётини 18 йилга қисқартиришини кўрсатади.

АҚШ олимларининг фикрига кўра, чекувчилар орасида коронавирус билан боғлиқ оғир ҳолатлар чекмаганларга қараганда кўпроқ учрамоқда. Шунингдек, тамаки тутуни касалликка қарши иммунитетнинг бирламчи қурашувчан жавобига сабаб бўлувчи интерферонларни блоклайди.

Чекишдан воз кечиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлсангиз, ижобий жиҳатлар ҳақида ўйланг. Асосий ва энг катта ютуқ – сизнинг соғлигингиз ва фаровонлигингиздир.

**Х.ТУРСИНМАМАТОВ,**  
“Янги-Ангрен ИЭС” АЖ  
ОЁХТТЭББ бошлиғи, подполковник.

## ЕНТИЙОТКОР БО‘ЛИНГ

**К**ун қаттиқ қизийотган айна кунларда кoftob urishidan saqlanish uchun boshni yengil, oq rangdagi tabiiy tolali bosh kiyim bilan, ko‘zlarni esa quyoshdan saqlovchi ko‘zoynak yordamida muhofaza qilish tavsiya etiladi. Organizmda suv miqdorini ushlab turishga harakat qilish, vaqti-vaqti bilan badanni sovuq suvda namlangan dastro‘mol bilan artib turish issiq urishidan asraydi.

Cho‘milganda notanish joylarda, spirtli ichimliklarni iste‘mol qilib, mast holatda suvga tushish, yosh bolalarning qarovsiz qolishi aslo mumkin emas.

Ko‘pincha suvda suzishni bilmaslik, suzish tajribasining yo‘qligi va o‘zining jismoniy qobiliyatini inobatga olmasdan suv qirg‘og‘idan uzoqlashish, taqiqlangan suv havzalarida cho‘milish cho‘kish bilan bog‘liq baxtsiz hodisalarga sabab bo‘ladi.

**T.NAURUZBAYEV,**  
«Taxiatosh IES» AJ BYXТTEB inspektori,  
katta leytenant.

**О**ҳангарон тумани Фавқуллода вазиятлар бўлими ходимлари томонидан ёнғинларнинг олдини олиш борасида бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида, шунингдек, sanoat korxonalarida, bilim yurtlari, maktab, bog‘cha va aholi turar joylarida ёнғин офатининг олдини олиш учун режали текширувлар ўтказилмоқда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

## ЁЗ – ЁНҒИН ХАВФИ ЮҚОРИ МАВСУМ

Текширувлар давомида аҳоли билан учрашувлар ўтказилиб, фуқароларга ёнғиннинг олдини олиш, содир бўлган ёнғин сабаблари ва уларнинг оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманимизда 21 та ёнғин содир бўлган, уларнинг 3 таси қуриган ўт ва шох-шаббалар ёқилиши оқибатида келиб чиққан, шунингдек, бу каби ҳолатлар фуқароларнинг яшаш уйларидаги назоратсиз-



лик туфайли юз бераётгани тушунтирилмоқда. Аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб этиш борасида мунтазам равишда радиосўхбатлар ўтказилиб, телекўрсатувлар уюштирилмоқда ва

газета ҳамда журналларда мақолалар чоп этилмоқда.

**Улугбек ШЕРМУРАТОВ,**  
Тошкент вилояти ФВБ  
Оҳангарон тумани  
ОЁХТТЭБ бошлиғи,  
подполковник.

## CHO‘MILSA BO‘LAVERADIMI?

**N**orin tumani hududidan oqib o‘tuvchi daryo, soy, anhor va kanallar cho‘milish taqiqlangan joylar hisoblanadi. Chunki bu suv havzalarining yuqorisi sokin oqqani bilan uning pastki qismida tez bo‘lishi, suv ostida qanday jismlar borligi ham noma‘lum.



Suvning sanitariya holati turli yuqumli kasalliklarni keltirib chiqarishi mumkin, suvda zaharli jonzotlar bo‘lishi mumkin, turli xil infeksiyalarni yuqtirib olish ehtimoli ham mavjud. Bu esa inson hayoti va salomatligi uchun xavflidir.

Zero, ushbu qoidalarga amal qilish, taqiqlangan hududlarda cho‘milmaslik har bir fuqarodan talab etiladi, shunday ekan, siz va yaqinlaringiz salomatligi muhim ahamiyatga ega. Hurmatli yurtdoshlar, yozning jazirama mavsumida salqinlanish maqsadida, cho‘milish taqiqlangan hududlarda emas, cho‘milish taqiqlanmagan va xavfsiz cho‘milish havzalaridan foydalanishingizni hamda voyaga yetmagan farzandlaringizni nazoratsiz qoldirmasligingizni so‘raymiz.

**Narzullo USMONOV,**  
Norin tumani FV bo‘limi  
P va NB inspektori, leytenant.

## КЎРГАЗМАЛИ ТАРЗДА

Поп тумани Сирдарё ММТП ҳудудидаги “Фозилжон Муҳаммаджон” фермер хўжалиги ғалла майдонида 2023 йил ҳосили учун етиштирилган бошоқли дон ҳосилини ўз вақтида уюшқоқлик билан ёнғин хавфсизлигига риоя этган ҳолда йиғиб олиш ҳамда ғалладан бўшаган майдонларни зудлик билан сомон поялардан тозалаб, шудгор ишларини олиб бориш буйича вилоят кўргазмали семинари ташкил этилди.



Унда вилоят ҳоқими – Фуқаро муҳофазаси бошлиғи Шавкатжон Абдураззоқов бошчилигидаги сектор раҳбарлари, вилоят ФВБ бошлиғи ҳамда ҳудудий бўлим бошлиқлари, туман ҳоқимлари, “Арт Софт” кластер, вилоят ва туман қишлоқ хўжалиги вакиллари, ММТП раислари, фермер хўжалиги раҳбарлари ҳамда ғалла ўримига бириктирилган отряд раҳбарлари иштирок этдилар.

Семинар давомида мута-

садиларга ғалладан бўшаган ерларни шудгорлаб, такрорий экинларни кечиктирмасдан экиш, ғаллани ёнғиндан сақлаш, ўрим комбайнлари ҳамда ғалла ташувчи техникаларда ёнғин ўчирувчи махсус воситаларни мавжудлиги ва уларни ўз вақтида ишлата билиш буйича алоҳида талаб қўйилди.

**Рустам ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
Наманган вилояти ФВБ ОАВ-  
ваЖТБХҚҒ етакчи  
мутахассиси.

**Q**ashqadaryo viloyati FVB xodimlari va mutasaddi tashkilotlar tomonidan viloyatning barcha shahar va tumanlarida mavsumiy favqulodda vaziyatlarning oldini olish yuzasidan targ‘ibot tadbirlari olib borildi.

## PROFILAKTIKA

Tadbirlar davomida mutaxassislar tomonidan taqiqlangan joylarda cho‘milish, kater va qayiqchilarga yaqin suzib borish, yosh bolalarni suvda qarovsiz qoldirish, chegaralangan belgilardan tashqariga chiqish, ko‘priklar, damba va kemalardan suvga sakrash, notanish joylarga sho‘ng‘ish noxush holatlarga sabab bo‘lishi mumkinligi haqida tavsiyalar berildi.

**Sohibjon VAYITOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB matbuot  
xizmati boshlig‘i, mayor.

## МУҲИМ МАВЗУДА

**Б**ўка тумани Фавқуллода вазиятлар бўлими ходимлари томонидан жорий йилги ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишишларини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этган ҳолда амалга ошириш юзасидан туман ҳоқимликлари масъуллари, фермерлар, ўрим-йиғим отрядлари, уларга хизмат кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги корхона ҳамда ташкилотлар вакиллари тушунтириш ишлари олиб борилди.

Амалга оширилган ишлар доирасида, туман дон қабул қилиш шохобчасида профилактик кўрик ўтказилиб, ишчи-хизматчилар билан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш буйича йўриқномалар ўтилди. Шу билан бирга, 2023 йил учун экилган ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишда қатнашиши кутилаётган комбайнлар ва ғалла ташувчи транспорт воситаларининг ёнғинга қарши ҳолати ҳам ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан профилактика ишлари бажарилди. Биргина хато оқибатида, машаққатлар билан етиштирилган ризқ-рўзимиз кулга айланиши мумкинлиги, унинг олдини олиш учун барча бирдек масъул экани алоҳида таъкидланди.

**Бекжон ЭРГАШОВ,**  
Тошкент вилояти Бўка тумани ФВ  
бўлими П ва НБ бошлиғи, капитан.



## Биласизми?

## АЖДАРҲОЛАР ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ЯШАГАНМИ?!

Қўрқинчли аждарҳолар сайёрамизнинг турли бурчакларида истиқомат қиладиган кўп халқларнинг эртақ ва афсоналарида учрайди.

Улар улкан, илонсимон, одамларга сиртдан даҳшат солиб турувчи махлуқ тарзида тасвирланади. Аждарҳолар бурун тешикларидан тугун аралаш олов пуркаб, қаттиқ наъра тортганида ҳатто ер ҳам титраб кетади.

Бизга қадимги юнон афсоналаридан тўққизбош Гидра маълуми машҳурдир. У Гераклнинг қўлида ҳалок бўлгунга қадар жуда кўп қизларнинг бошига етган. Юнонлар тасвирлаган яна бир аждарҳо Химерадир: комидан олов пуркаладиган бу махлуқни Беллерофон исмли ёш жангчи ўзининг Пегас деган қанотли аргумоги ёрдамида маҳв этган. Рус халқ эртақларида аждарҳо қиёфасида бизга беш қўлдай аён бўлган Аждарҳо Горинич гавдаланади.

Эртақларда кўплаб аждарҳолар беҳисоб бойликларни қўриқлагани ҳақида маълумотлар келтирилади. Масалан, олтин жунли қўй терисини кўзи юзта бўлган махлуқ қўриқлаган.

Гарчи эртақ ва афсоналарда аждарҳолар ададсиз ёвузлик тимсоли сифатида келтирилса, баъзи ўринларда улар одамни ҳимоя қиладиган куч-қудрат соҳибига айланадилар.



Қадим ўтган замонларда жангчилар душманлари юрагига қўрқув уруғини солиш мақсадида ўз қалқонларига аждарҳолар суратини туширишган.

Шуни айтиш лозимки, одамлар баъзи пайтларда аждарҳолар чиндан ҳам борлигига ишонишган. Колумбга қадар денгиз сайёҳлари гўё денгизлар қаърида яшовчи, кемаларни ямламай ютиб юборувчи улкан махлуқлардан чўчиб, нотаниш денгизлардан сузишга аҳён-аҳён журъат этганлар.

Ўз-ўзидан аёнки, улар янглишганлар, чунки аждарҳолар фақат эртақ ва афсоналарда яшайди. Унда одамлар нима учун уларнинг мавжудлигига ишонишган? Тўғрироқ жавоблардан бири шуки, тарихдан аввалги даврларда ерда баҳайбат махлуқлар яшаган. Улардан энг қўрқинчлиси саналган динозаврлар одам пайдо бўлгунга қадар ер юзидан қирилиб кетган. Бироқ ғор одамлари даврида ерда ҳар хил баҳайбат рептилиялар учраб тургани эҳтимолдан йироқ эмас ва айнан улар эртақлардаги аждарҳоларнинг тимсоллари бўлган.



# Vaziyat

газетаси

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқуллода**  
**вазирлар**  
**вазирлиги**

Бош муҳаррир в.б.  
**Азамат СУЮНОВ**

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:  
**Б. ВАЛИЕВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқлиниши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007 йил  
3 январда 0096-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун — 382

Газета  
"BUSINESS PRINT DESIGN"  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 6630 нусха

Генри Сили ихтиросига қадар 200 йил давомида дазмолни чўндан яшаган ва оловда киздиришган. Улар тез совиб коларди ва юққа ич кийимларни ёки расм бўлган духоба кийимларни дазмоллашга ярамасди. Бита кўйлак ёки камзулни дазмоллаш учун инсонлар ҳар хил ҳажмдаги дазмоллардан фойдаланишга мажбур бўлишган ва бунда доимо қайноқ печка ёнида туришлари керак бўлган.

## ЭЛЕКТР ДАЗМОЛ

Кўп ўтмай дазмолни печда иситиш ўрнига, кўмир чўғини дазмолнинг ичига соладиган бўлишди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Европада газда ишлайдиган ва суюқ ёқилги — керосин, алкоголь ва нефть солинадиган д а з м о л п а й д о

бўлди. Улар ёнғиндан хавфли ва жуда ҳам ноқулай бўлганига қарамасдан анча секинроқ совирди.

Биринчи электр дазмол олдингилардан кўпроқ афзалликка эга эди. Буларда қизитувчи қисмига - доимий ток оқими келиб турган. Кўмир электродлар орасида ҳосил бўлувчи электр ёй бўлган. Аммо ҳамма қулайликларига қарамасдан, ундай дазмолларни ишлатиш қийин ва хавфли эди. Биринчи электр дазмолларда ҳароратни тартибга солувчи қурилма бўлмаган, улар тез-тез қизиб кетар ва кийимни куйдирарди.

1920 йилда термостатик бошқарувли биринчи дазмол пайдо бўлди. Бу дазмолнинг хусусияти матонинг турига (шойи, жунли, зиғир толасидан тўқилган мато) қараб, керакли ҳароратга қизирди. XX аср иккинчи ярмида буғлаш вазифасига эга бўлган дазмол пайдо бўлди. Дазмолнинг кейинги ривожланиш жараёни улкан қадамлар билан олдинга кетди. Замонавий дазмоллар буғни тартибга солиб узатиш, автоматик ўз-ўзини тозалаш, тугмалар учун чуқурчалар, автомат равишда ўчадиган ва бошқа фойдали вазифаларга эга бўлди.



## ЛАЗЕР ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Лазер — ингичка, кўзни қамаштирадиган даражада ўткир ёруғ нур тарқатувчи прибор. Унинг манбаи унча катта бўлмаган кристалл ёки газ тўлдирилган ампуладир. Магнит майдони таъсирида у тўққизил ёки зангори нур тарқатади.

Бу ҳодиса асримизнинг 60-йилларида рус физик олимлари Басов ва Прохоров ҳамда америкалик аллома Майман томонидан кашф этилган. Бу кашфиёт учун улар Нобель мукофотига сазовар бўлдилар.

Маълум бўлишича, лазер нури ўта ноёб хусусиятларга эга экан. Унинг ёрдамида касалликларни даволаш, қийин эрийдиган металлларни кесиш, олис масофаларга ахборот ва маълумотларни узатиб бериш мумкин.

Сиз, албатта, мусиқа ёзилган кумушранг дискаларни кўргансиз. Уларни жаранглатадиган куч ҳам лазер нуридир. Эстрада майдонларидаги нур ўйинлари ҳам лазер кўмагида яратилади.

Хўш, лазер нурининг сирини нимада? Лазер тарқатадиган нур муайян ўлчовдаги тўлқин узунликларига эга. Табиатда соф ҳолда бундай нур учрамайди. Лазер нури узлуксиз тўлқин узунликларига эга, у одатда қилдан ҳам ингичка ва тарам-тарам бўлиб тарқалади.

Интернет манбалари асосида тайёрланди.

ФВВ раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирлик  
Марказий аппарати хизмат бошлиғи полковник  
Абдурахимов Бахтиёр Баҳодировичга волидаи  
муҳтарамаси

**МАНЗУРА АЯНИНГ**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.